



Тошкент Оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 129 (12.690)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Шу кунларда халқимиз Ватанимизнинг шонли тарихидаги буюк ва ўчмас санани – Ўзбекистон мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқда. Ана шу улуг айёмни муносиб кутиб олиш ва ўтказиш мақсадида бугунги кунда олиб бораётган маънавий-маърифий фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини аввало биз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида биз эришган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ва аҳамиятини юртимиз аҳолиси ва жаҳон жамоатчилигига етказиш, уларнинг кадр-қимматини чуқур англаш ташкил этиши даркор.

Шулар қаторида Ўзбекистонимиз барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, қўлга киритган улкан натижаларимизни бутун дунё тан олаётгани, мамлакатимизнинг халқроқ майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўрин эгаллаб олаётганини кенг ёритиш, бу ютуқларнинг асосий омил ва мезонини биринчи навбатда халқимизнинг дунёқараши, одамларимизнинг сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганида қўриш, ушбу ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳар томонлама асослаб бериш ва бири-бири билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш ўта муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш зарур.

Шу муносабат билан:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Республика комиссиясининг тарихи иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси бир ҳафта муддатда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида муҳассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамада тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамағатларига Мустақиллик байрамининг йигирма уч йиллигини юксак савияда нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш, Республика дастуридан ўрин оладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

3. Мазкур дастурни тузишда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин:

тарихан қисқа даврда биз қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимизни баҳолашда «Ким эдигу ким бўлди?» деган ҳаётий ҳақиқатни асосий ва бош ғоя сифатида белгилаш;

мамлакатимизнинг ўтган аср охирида кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собиқ СССРда энг охириги ўринлардан бирини эгаллаган, пахта яккахокимлиги ҳалокатли тус олган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, қолоқ аграр республикадан бугунги кунда саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салоҳияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланганини очиб бериш. Бунинг тасдиғини мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошгани, кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати

8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани ва бошқа шу каби рақам ва кўрсаткичлар мисолида қиёсий таҳлиллар орқали кўрсатиш;

юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолиимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини ёритиш;

ҳеч шубҳасиз, вақт ўтиши билан тобора ёрқин намоён бўлаётган, биз биринчилар қаторида амалга оширган ва давом эттираётган, дунёда катта қизиқиш уйғотаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, бир сўз билан айтганда, таълим-тарбия соҳасига энг устувор аҳамият берганимиз мамлакатимизнинг катта суръатлар билан барқарор ривож топишида ва юртимизнинг дадил қадамлар билан илгариллаб боришида мустақкам фундамент яратиб берганига алоҳида эътибор қаратиш;

биз учун ўта муҳим бўлган соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида қўлга киритган ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётий омилларини очиб бериш;

мустақиллигининг биринчи йилларидан бошлаб хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, киз болаларни замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга ошираётган кенг қўламли ишларимизни ҳаётий ва таъсирчан мисолларда ифода этиш;

бугун биз бошимиздан кечираётган ўта таҳликали ва қалтис замонда, ён-атрофимизда турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бир шароитда энг катта ва бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек сақлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустақкамлаш, доимо хушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини чуқур ақс эттириш;

Ўзбекистоннинг халқроқ майдонда олиб бораётган, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан дўстона алоқалар, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга қаратилган ташқи сиёсатини, дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган қарама-қаршилик ва тўқнашувларни фақатгина сиёсий музокаралар, тинчлик йўли билан ҳал этиш бўйича ёндашув ва қарашларининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш;

юқорида баён этилган бекиёс натижалар, Ватанимизнинг изчил ва барқарор тараққиёти негизда турган асосий омил ва мезонларни очиб бериш амалга оширилаётган барча ахборот-информацион ишларимизда, маънавий-маърифий учрашув ва мулоқотларда, жонли суҳбатларда катта ўрин тутиши лозим. Ушбу қарорнинг кириш қисмида қайд этилган фикр ва ғояларни чуқур маъноли, шу билан бирга, содда тилда ёритиш, одамларнинг қалби ва онгига сингдириш бу борада алоҳида аҳамият касб этиши табиийдир.

Мухтасар айтганда, биз мустақиллик йилларида қандай оғир ва машаққатли синовлардан ўтиб, мисли қўрилмаган ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси замирида фақатгина

на халқимизнинг фидойи меҳнати, чидамлилиги, олижаноблиги ва бағрикенглиги, матонати ва жасорати, эртанги кунга мустақкам ишончи муҳассам эканини теран ақс эттириш зарур.

4. Республика Маънавий ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиллар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган мутахассислар – сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар вакилларида иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиклолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусика асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» анъанавий республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Бадиий академия, «Тасвирий ойна» уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда август ойининг охирида «Энг улуг, энг азиз», «Ватан учун яшайлик», «Сени қўлаймиз, замондош», «Ранглар жилосида – она диёр» каби кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

9. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда хайрия маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

10. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақиллиқнинг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 1 июль

Давлат рамзлари эл-юртнинг ҳурлиги, миллий ғурур ва менталитети, шонли тарихи, маънавий-маданий бойлиги, урф-одат ва анъаналари, буюк мақсад ва эзгу орзу-интилишларини ўзида акс эттиради.



ДАВЛАТИМИЗ ҚУДРАТИ ВА ХҲУРЛИГИМИЗ РАМЗИ 2 июль – Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

Истиклолга эришгач, мамлакатимиз ҳам ўз давлат рамзларига эга бўлди. Бугун Ўзбекистон ўз Байроғи, Герби, Мадҳияси ва Валютасига эга.

Давлатимиз гербида халқимизнинг тарихи, бугунги ва келажги ўз аксини топган. Унда тасвирланган гуллаган водий узра нур сочаётган офтоб серкўш юртимизга, ундаги обод манзилларга ишора. Баланг тоғлар оралаб оқаётган дарёлар – ҳаёт боқийлиги тимсоли бўлса, гербнинг сўл томонидаги бугдой бошоқлари халқимизнинг ризқ-рўзи бутунлигидан, ўнг томонидаги қийғос очилган гўза ифодаданган чамбар халқимизнинг оппоқ орзулари, эзгу ниятларидан далолатдир. Гербнинг юқори қисмида элу юртимиз жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган.

Гербимиз марказида бахт ва олижаноблик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши қанотларини ёзиб, парвозга шайланб турибди. Бу халқимизга хос эзгу орзу-умидлар ифодасидир. Зеро, элимиз Ҳумони азал-азалдан бахт қуши сифатида тасаввур этиб келган.

Гербимиздаги ушбу рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, эзгулик, бахт-саодат, тўқинлик, фаровонлик каби орзу-умидларини ўзида намоён этади. Гербнинг пастки қисмидаги давлатимиз байроғини ифодаловчи чамбар бандига зарҳал харфлар билан «Ўзбекистон» сўзи битилган.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги тарихий қонунда белгиланганидек, Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Президенти дёвони, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, ҳокимликлар, қўмиталар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари бинолари, чет эллардаги мамлакатимиз дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг пештоқида ўрнатилган. Республикаимиз давлат чегараларидаги Давлат герби барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди. Ватан остонасидаги давлатимиз рамзини қўриб, беихтиёр қалбимиз энтиқади, муқаддас заминимизга бўлган меҳр-муҳаббатимиз янада ошади.

Давлат герби тасвири ҳар биримизнинг мана шу саховатли замин фарзанди, ушбу озоод юрт фуқароси эканлигини тасдиқловчи фуқаролик паспортда ҳам акс эттирилган.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонунда мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда истикомат қиладиган барча шахслар давлатимиз гербини ҳурмат қилишлари шарт экани белгиланган.

Давлат рамзлари муқаддасдир. 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунга мувофиқ, давлатимиз рамзларидан фойдаланиш қоидалари янада такомиллаштирилди. Унга қўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реқвизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас. Нодавлат тижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербига ўхшаш бўлиши мумкин эмас.

Ҳа, мустақил Ватанимизнинг Давлат герби улкан ғоявий-тарбиявий аҳамиятга молик тимсол сифатида барчамиз учун қадрли ва муқаддасдир. Уни ҳар сафар кўрганимизда шундай бетакор, ҳеч кимдан кам бўлмаган қудратли мамлакатда яшаётганимиздан фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этамиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА шарҳловчиси



• «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Денов туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг «Сурхондарё вилоя-

тининг экологик номақбул ҳудудларида болалар соғлиғи кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш» лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди.

• Фарғонада «Юрт келажиги» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамкорлигида ўтказилган кўрик-танловда ёшлар архитектура ва дизайн, ахборот коммуникация технологиялари, рационализаторлик тақлифлари, техник лойиҳа ва ишланмалар, анъанавий ва амалий

санъат, адабиёт каби 15 йўналишда ўз иқтидор ва қобилиятини намоёйиш этди.



• Грециянинг соҳил-қутқарув хизмати Эгей денгизининг Родос ва Карпатос ороллари орасидаги халқроқ сувларда ҳалокатга учраган кемадан 140 нафар муҳожирларни қутқариб олишга муваффақ бўлди. Ушбу қутқарув ҳаракатларида тўққизта юк кемаси ва теплоходлар, денгиз фрегати ва вертолётдан фойдаланилди.

• Халқаро футбол федерацияси — ФИФА Бразилияда бўлиб ўтаётган жа-

ҳон чемпионатида чипталарнинг ноқонуний тарқатилиши ва уларнинг қалбақлаштирилишининг олдини олиш бўйича фаол кураш олиб бормоқда. Жумладан, ФИФА билан ҳамкорликда Рио-де Жанейро полицияси жаҳон чемпионати чипталарини ноқонуний тарзда сотиш билан шуғулланаётган гуруҳ фаолиятига чек қўйди.

• Кеча Нигериянинг шимолий-шарқидagi Майдугуру шаҳри бозорида рўй берган портлаш эллик олти кишининг ҳаётига зомин бўлди. Ушбу террорчилик ҳаракатини амалга оширишда «Боко Харам» гуруҳи айбланмоқда.

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИ БЎЛУР!

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг ушбу сўзлари замирида чуқур маъно мужассам. Истиқлол шарофати билан юртимизда кенг қўлмалли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шулар қаторида ёшларнинг билимли, ақл-заковатли, энг муҳими, соғлом ва баркамол бўлиб етишишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлигини эътироф этамиз. Ҳукуматнинг ёшларнинг мазмунли ўтказишлари, спортга оид бўлиб соғлом ва чиниққан ҳолда ўсишлари учун шахримизнинг барча туманларидаги спорт мажмуаларида ҳар кун соат 08:00 дан кечки соат 20:00 гача спортнинг кўлаб турлари бўйича тўғарақлар таъкил этилган. Ушбу тўғарақларда малакали мутахассислар томонидан машғулотлар олиб борилади.

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР, ҚАДРЛИ МАҲАЛЛАДОШЛАР!

Фарзандларимизни ШАХРИМИЗ туманларидаги беғул ташкил этилган кўйидаги спорт тўғарақларига ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

БЕКТЕМИР ТУМАНИ

№	Муассаса номи	Муассаса жойлашган маҳалла номи	Манзили	Телефон рақами	Муассасадаги мавжуд спорт турлари	Иш вақти
1	24-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	Миршор маҳалласи	Ҳ.Бойдаро кўчаси, 41-й	295-38-24	Футбол, баскетбол, бадий гимнастика, бокс	08:00 - 20:00
2	25-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	Миршор маҳалласи	Ҳ.Бойдаро кўчаси, 43-й	295-37-04	Волейбол, гандбол, теннис, стол теннис, таэквондо VTF, убае жанг санъати	08:00 - 20:00
3	39-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (Никол)	Хусайн Болдаро маҳалласи	Юсри Чирки кўчаси, 1А-й	295-41-99	Футбол, зрин кураш, баскетбол, спорт гимнастика, енгил атлетика, убае жанг санъати	08:00 - 20:00
4	Сунлий қопламали футбол майдони	Мавингоп маҳалласи	Онданор шох кўчаси	361-00-62	Футбол	18:00 - 21:00
5	Сунлий қопламали футбол майдони	Нурфашон маҳалласи	Истибоб мавзеси, 1-й ёнда	915-55-52	Футбол	18:00 - 21:00
6	289-умумтаълим мактаби	Бектемир маҳалласи	Билот Нозим кўчаси, 29-й	295-02-86	Стол теннис, волейбол, баскетбол, футбол	08:00 - 17:00
7	290-умумтаълим мактаби	Хусайн Болдаро маҳалласи	Юсри Чирки кўчаси, 52-й	295-28-30	Стол теннис, волейбол, бадий гимнастика	08:00 - 17:00
8	291-умумтаълим мактаби	Миршор маҳалласи	Сувиди даҳаси	295-62-98	Стол теннис, волейбол, бадий гимнастика, баскетбол, футбол	08:00 - 17:00
9	292-умумтаълим мактаби	Бинокор маҳалласи	Сангдор кўчаси, 4-й	281-68-70	Стол теннис, волейбол, бадий гимнастика, баскетбол, футбол, кўл тўли	08:00 - 17:00
10	293-умумтаълим мактаби	Родат маҳалласи	Сувиди даҳаси	295-62-96	Стол теннис, волейбол, бадий гимнастика, баскетбол, футбол, кўл тўли	08:00 - 17:00

МИРЗО УЛУБЕК ТУМАНИ

№	Муассаса номи	Муассаса жойлашган маҳалла номи	Манзили	Телефон рақами	Муассасадаги мавжуд спорт турлари	Иш вақти
1	4-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби	Бешкала маҳалласи	Юнқай мавзеси, Каттапота кўчаси, 24-й	286-24-60	Акробатика, спорт гимнастика, трюмпинг, таэквондо, кўлбоксинг	08:00 - 20:00
2	20-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	Бобур маҳалласи	Қорсува 4-мавзеси	265-00-94	Баскетбол, волейбол, сузш, футбол, белбоғли кураш, муай-тай, универсал жанг санъати, таэквондо, самбо	08:00 - 20:00
3	21-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	Турон маҳалласи	Паркент кўчаси, 2117-й	953-21-58	Кўл тўли, стол теннис, енгил атлетика, самбо, фехтование, дзюдо, волейбол	08:00 - 20:00
4	30-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ("Озарбад")	Озарбад маҳалласи	ТТЗ-1, Буюк Илҳам йўли 5-тор кўчаси	188-93-38	Бокс, дзюдо, сузш, теннис, футбол, самбо, кураш, зрин кураш	08:00 - 20:00
5	31-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ("Юнқай")	Бешкала маҳалласи	Юнқай мавзеси, Каттапота кўчаси, 24-й	972-94-44	Бадий гимнастика, волейбол, енгил атлетика, стол теннис, футбол, кураш, велоспорт	08:00 - 20:00
6	120-умумтаълим мактаби	Ал-Фаробий маҳалласи	Юнқай мавзеси	264-39-10	Волейбол, стол теннис, таэквондо VTF, кураш	08:00 - 17:00
7	142-умумтаълим мактаби	Оққўрон маҳалласи	Оққўрон кўчаси, 19-й	286-10-81	Кўл тўли, баскетбол, волейбол, карата	08:00 - 17:00
8	187-умумтаълим мактаби	Шахрибод маҳалласи	Янқай мавзеси	282-69-61	Таэквондо VTF, таэквондо ITF	08:00 - 17:00
9	Сунлий қопламали футбол майдони	Оққўрон маҳалласи	Оққўрон кўчаси, 99-мактаб ҳудудида	177-46-54	Футбол	19:00 - 21:00
10	Сунлий қопламали футбол майдони	Олмас маҳалласи	Буюк Илҳам йўли кўчаси (71-мактаб ҳудудида)	267-33-97	Футбол	19:00 - 21:00
11	Сунлий қопламали футбол майдони	Янқай ота маҳалласи	Феруза кўчаси, 20-й ёнда	161-75-58	Футбол	18:00 - 21:00
12	Сунлий қопламали футбол майдони	Янқай ота маҳалласи	Мирзо Улубек ва Темур Малик кўчалари қишлоғи	266-00-99	Футбол	18:00 - 21:00

УЧТЕПА ТУМАНИ

№	Муассаса номи	Муассаса жойлашган маҳалла номи	Манзили	Телефон рақами	Муассасадаги мавжуд спорт турлари	Иш вақти
1	2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	Бешайрағоч маҳалласи	Бешайрағоч кўчаси, 243Б-й	688-55-85	Футбол	08:00 - 20:00
2	3-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби	Нуробод маҳалласи	Чилнонот 25-мавзе, (287-мактаб ҳудуди)	272-97-10	Футбол, регби, зрин кураш, енгил атлетика, самбо, зрин кураш, дзюдо, волейбол	08:00 - 20:00
3	28- болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	Журионий маҳалласи	Савқийи кўчаси, 46-й	275-60-81	Бадий гимнастика, баскетбол, бокс, дзюдо, енгил атлетика, стол теннис, таэквондо VTF, футбол, турон	08:00 - 20:00
4	27- болалар ва ўсмирлар спорт мактаби	Қўронтепа маҳалласи	М.Шайхондор кўчаси, 11-й	540-16-66	Футбол, баскетбол, бадий гимнастика, бокс, таэквондо VTF, айкидо, карата, кикбоксинг, тайбокс, футзал	08:00 - 20:00
5	40-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ("Учтепа") болалар спорт мажмуаси	Қўно Чўнонта маҳалласи	Чилнонот 13-мавзеи	217-22-63	Баскетбол, волейбол, карата, стол теннис, таэквондо VTF, футбол, турон, айкидо, карата, кикбоксинг, тайбокс, футзал	08:00 - 20:00
6	123-умумтаълим мактаби	Тақча маҳалласи	Манон Уйғур кўчаси, 627-й	247-12-04	Волейбол, енгил атлетика, стол теннис, минн футбол	08:00 - 17:00
7	129-умумтаълим мактаби	А.Қўриб маҳалласи	Назарбек кўчаси	247-78-62	Баскетбол, волейбол, карата	08:00 - 17:00
8	193-умумтаълим мактаби	Чилнонот маҳалласи	Сомоний кўчаси	275-74-63	Волейбол, баскетбол, стол теннис, минн футбол	08:00 - 17:00
9	203-умумтаълим мактаби	Катта Қўно маҳалласи	Шарк кўчаси	272-69-50	Баскетбол, енгил атлетика, волейбол, кўл тўли, гимнастика	08:00 - 17:00
10	229-умумтаълим мактаби	Фирод маҳалласи	Чилнонот 23-мавзеи	274-07-02	Стол теннис, бадий гимнастика, баскетбол	08:00 - 17:00
11	Сунлий қопламали футбол майдони	Бешайрағоч маҳалласи	Бешайрағоч кўчаси, (75-мактаб ҳудуди)	247-93-86	Футбол	09:00 - 21:00
12	Сунлий қопламали футбол майдони	Тақча маҳалласи	Манон Уйғур кўчаси, (123-мактаб ҳудуди)	247-12-04	Футбол	09:00 - 21:00
13	Сунлий қопламали футбол майдони	Ю.Самовий маҳалласи	Ақтоғий кўчаси, (193-мактаб ҳудуди)	275-75-73	Футбол	09:00 - 21:00
14	Сунлий қопламали футбол майдони	Қўномаҳалласи	Қўномаҳалласи 3-тор кўчаси, (197-мактаб ҳудуди)	247-72-30	Футбол	09:00 - 21:00
15	Сунлий қопламали футбол майдони	Катта Қўно маҳалласи	Қўномаҳалласи 3-тор кўчаси, (203-мактаб ҳудуди)	272-69-30	Футбол	09:00 - 21:00
16	Сунлий қопламали футбол майдони	Нуробод маҳалласи	Чилнонот 25-мавзе, (287-мактаб ҳудуди)	272-08-48	Футбол	09:00 - 21:00
17	Сунлий қопламали футбол майдони	Урнос маҳалласи	Самар Бонг кўчаси	299-42-17	Футбол	09:00 - 21:00
18	Сунлий қопламали футбол майдони	Қўно Чўнонта маҳалласи	Чилнонот 13-мавзе, Болалар спорт мажмуаси ҳудудида	217-22-63	Футбол	09:00 - 21:00
19	Сунлий қопламали футбол майдони	Фирод маҳалласи	23-мавзе, 21-й	275-82-22	Футбол	09:00 - 21:00
20	Сунлий қопламали футбол майдони	Истиродат маҳалласи	Истиродат кўчаси	247-74-63	Футбол	09:00 - 21:00

ОЛМАЗОР ТУМАНИ

№	Муассаса номи	Муассаса жойлашган маҳалла номи	Манзили	Телефон рақами	Муассасадаги мавжуд спорт турлари	Иш вақти
1	10-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби	Чустий маҳалласи	Беруний кўчаси, 5-й	242-80-36	Акробатика, бадий гимнастика, убае жанг санъати, турон, кўл жанги	08:00 - 21:00
2	23-сонли мактаб болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби	Себдор маҳалласи	Себдор даҳаси, Марказ 17/18	240-45-17	Сузш, синергизм, спаломни эшак эшиш, байдарка ва каное, спорт рақси	08:00 - 21:00
3	32-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ("Сайбон") сузш даҳаси	Қўштут маҳалласи	Сайбон кўчаси, 109-й	244-19-25	Сузш, турон, белбоғли кураш, бадий гимнастика	07:30 - 20:30
4	33-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ("Тўли чимбой") сузш даҳаси	Чимбой маҳалласи	Чимбой кўчаси, 115Б-й	246-72-33	Сузш, спалом, байдарка ва каное, сузш, паролонимия	08:00 - 20:00
5	37-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ("Олимпия") спорт мажмуаси	Қорасарой маҳалласи	Кичик ҳалқа йўли кўчаси	246-61-95	Футбол, стол теннис, баскетбол, бокс, бадий гимнастика, велоспорт, турон, карата, футбол, карата	08:00 - 20:00
6	39-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ("Намуна") болалар спорт мажмуаси	Намуна маҳалласи	Намуна кўчаси, 54-й	214-88-16	Бадий гимнастика, бокс, футбол, кўл тўли, кикбоксинг	08:00 - 20:00
7	42-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (23-БҲЖТК)	Олимпия маҳалласи	Олимпия мавзеси, Мухбир кўчаси, (278-сонли умумтаълим мактаби)	229-42-31	Волейбол, енгил атлетика, стол теннис, футбол, кўл тўли, кураш, миллий кураш, кюн рум кураш, таэквондо, комбат айкидо, дзюдо	08:00 - 20:00
8	298-умумтаълим мактаби	Чустий маҳалласи	Бўстон кўчаси	249-48-77	Волейбол, гандбол, футбол	08:00 - 17:00
9	315-умумтаълим мактаби	Аҳил маҳалласи	Бўстон кўчаси	227-64-02	Баскетбол, стол теннис, таэквондо, спорт рақси	08:00 - 17:00
10	326-умумтаълим мактаби	Зин маҳалласи	Қораканли кўчаси, 3-й	246-81-11	Волейбол, стол теннис, таэквондо VTF, кураш	08:00 - 17:00
11	Сунлий қопламали футбол майдони	Шифоқор маҳалласи	Қамарисон кўчаси, 11- ва 12-уйлар ёнда	320-11-13	Футбол	09:00 - 21:00
12	Сунлий қопламали футбол майдони	Бўстон маҳалласи	Қораканли ва Шифоқор кўчалари қишлоғида	142-77-77	Футбол	09:00 - 21:00
13	Сунлий қопламали футбол майдони	Дўстлик маҳалласи	Қораканли маҳалласи	360-00-00	Футбол	09:00 - 21:00
14	Сузш даҳаси	Университет маҳалласи	Қораканли кўчаси	602-84-32	Сузш	10:00 - 20:00
15	Тошкент қириқчи ва миллий қўроқчилик қасб-хўна қоплиги	Чимбой маҳалласи	Чимбой кўчаси	595-55-12	Сузш	10:00 - 20:00
16	Сузш даҳаси	Зин маҳалласи	Тошкент давлат техника университети	595-85-98 246-87-91	Сузш	10:00 - 20:00

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ

№	Муассаса номи	Муассаса жойлашган маҳалла номи	Манзили	Телефон рақами	Муассасадаги мавжуд спорт турлари	Иш вақти
1	11-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби	Темирйўлчи маҳалласи	Янги Сергели кўчаси	258-39-62	Дзюдо, таэквондо VTF, белбоғли кураш, кюн-рум кураш, кураш, турон	08:00 - 20:00
2	17-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби	Бобур маҳалласи	Сергели мавзеси, 8А-й	251-14-14	Футбол, сузш, спаломни эшак эшиш, турон	08:00 - 20:00
3	34-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ("Олимпия умидлари")	Амир Темур маҳалласи	Сергели 5-мавзеи, Меҳрибон кўчаси	251-16-99	Бокс, спорт гимнастика, бадий гимнастика, убае жанг санъати, кюн-рум кураш, белбоғли кураш, карата, кикбоксинг, тайбокс, уинбой	08:00 - 21:00
4	3-умумтаълим мактаби	Йўлдош маҳалласи	Йўлдош мавзеи	258-74-00	Баскетбол, волейбол, карата	08:00 - 13:00
5	6-умумтаълим мактаби	Нигузор маҳалласи	Сергели-2	258-24-64 258-14-04	Волейбол, баскетбол, стол теннис, футбол, минн футбол, шахмат	08:00 - 13:00
6	Сунлий қопламали футбол майдони	Темирйўлчи маҳалласи	Янги Сергели кўчаси	257-86-34	Футбол	09:00 - 21:00
7	Сунлий қопламали футбол майдони	Ерени хайт маҳалласи	Сергели 8-мавзеи	257-86-34	Футбол	09:00 - 21:00
8	Сунлий қопламали футбол майдони	Ш.Бурқонов маҳалласи	Янги Сергели кўчаси	251-74-77	Футбол	09:00 - 21:00
9	Сунлий қопламали футбол майдони	Орибт маҳалласи	Сергели 4-мавзеи, Обибаев кўчаси	257-84-21	Футбол	09:00 - 21:00
11	Сунлий қопламали футбол майдони	Мустақиллик маҳалласи	Дўстлик мавзеи	257-88-77	Футбол	09:00 - 21:00

МИРОБОД ТУМАНИ

№	Муассаса номи	Муассаса жойлашган маҳалла номи	Манзили	Телефон рақами	Муассасадаги мавжуд спорт турлари	Иш вақти
1	6-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби	Салор маҳалласи	Нукус кўчаси, 261-й	929-62-30	Волейбол	08:00 - 20:00
2	12-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби	Шароф Рашидов маҳалласи	Яқондор кўчаси, 9-й	256-28-35	Спорт гимнастика, акробатика, бадий гимнастика, кюн-рум кураш, гандбол	08:00 - 20:00
3	14-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби	Байналмилал маҳалласи	Оқ йўл кўчаси, 68-й	255-88-69	Баскетбол, бадий гимнастика, кўл тўли, футбол, теннис, белбоғли кураш, енгил атлетика, атлетизм, шахмат, сузш	08:00 - 20:00
4	29-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ("Омад")	Янги Қўйлик маҳалласи	Қўйлик 4-мавзеи	9187-95-25	Бадий гимнастика, футбол, самбо, бокс, зрин кураш, белбоғли кураш, убае жанг санъати, карата, бадминтон, шахмат	08:00 - 20:00
5	44-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ("Миробод")	Янги Қўйлик маҳалласи	Қўйлик 4-мавзеи	372-56-84	Футбол	08:00 - 20:00
6	Сунлий қопламали футбол майдони	Бадихон маҳалласи	Бадихон 2-тор кўчаси, 7-й (213-мактаб)	573-40-00	Футбол	18:00 - 21:00
7	Сунлий қопламали футбол майдони	Шароф Рашидов маҳалласи	Яқондор кўчаси, 9-й (110-мактаб)	256-12-10	Футбол	18:00 - 21:00
8	Сунлий қопламали футбол майдони	А.Фират маҳалласи	А.Фират кўчаси, 83-й (154-мактаб)	291-20-91	Футбол	18:00 - 21:00
9	Сунлий қопламали футбол майдони	Фуркат маҳалласи	Толмисарон кўчаси, 1-й	291-39-14	Футбол	18:00 - 21:00
10	Сунлий қопламали футбол майдони	Файзабод маҳалласи	Файзабод 9-тор кўчаси ва Фергона йўли қишлоғида	164-33-16	Футбол	18:00 - 21:00
11	60-умумтаълим мактаби	Ойбек маҳалласи	Чекче кўчаси, 23-й	255-94-14	Баскетбол, стол теннис, таэквондо, спорт рақси, шахмат	12:00 - 19:00
12	83-умумтаълим мактаби	Байналмилал маҳалласи	Оқ йўл кўчаси, 68-й	254-35-38	Волейбол, стол теннис, таэквондо VTF, кураш	12:00 - 19:00
13	110-умумтаълим мактаби	Шароф Рашидов маҳалласи	Яқондор кўчаси, 9-й	256-12-10	Баскетбол, волейбол, карата	12:00 - 19:00
14	147-умумтаълим мактаби	Бирозорлик маҳалласи	Дашнобод 1-тор кўчаси, 60-й	254-76-10	Таэквондо VTF, таэквондо ITF	12:00 - 19:00

ҲАМЗА ТУМАНИ

№	Муассаса номи	Муассаса жойлашган маҳалла номи	Манзили	Телефон рақами	Муассасадаги мавжуд спорт турлари	Иш вақти
1	9-болалар ва ўсмирлар олимпия заҳиралари спорт мактаби	Урта маскид маҳалласи	Уйсолар кўчаси	944-43-19	Велоспорт, бокс, зрин кураш, дзюдо, таэквондо VTF, муайтай, бадий гимнастика, енгил атлетика, турон, убае жанг санъати, баскетбол	08:00 - 20:00
2	28-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (17-БҲЖТК)	Наврў маҳалласи	Ависолар кўчаси, 12-й	294-54-50	Дзюдо, уш, таэквондо VTF, бадий гимнастика, минн футбол, акробатика, кюн-рум кураш, енгил атлетика, велоспорт	08:00 - 20:00
3	35-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ("Янгиробод")	Тарнов боши маҳалласи	Шоҳсанам кўчаси, 56-й	298-25-64	Бокс, сузш, футбол, бадий гимнастика, убае жанг санъати, трытлон	08:00 - 20:00
4	61-умумтаълим мактаби	Парвот маҳалласи	Ависолар 1-мавзе, 78-й	297-49-82	Кўл тури, гимнастика	08:00 - 17:00
5	151-умумтаълим мактаби	Бобур маҳалласи	Ависолар 1-мавзе, 178-й	297-55-91	Баскетбол, енгил атлетика, велоспорт, кўл тури, гимнастика	08:00 - 17:00
6	152-умумтаълим мактаби	Гузель маҳалласи	Оҳангрон шох кўчаси, 37-й	296-89-31	Волейбол, баскетбол, футбол	08:00 - 17:00
7	153-умумтаълим мактаби	Умид маҳалласи	Алтимент 1-тур кўчаси, 62-й	296-34-81	Баскетбол, енгил атлетика, волейбол	08:00 - 17:00
8	155-умумтаълим мактаби	Аҳмад Ровсий маҳалласи	Ховос кўчаси, 45-й	293-31-08	Волейбол, баскетбол, футбол, стол тенниси	08:00 - 17:00
9	166-умумтаълим мактаби	Ҳама маҳалласи	Кораву кўчаси, 8-й	296-15-92	Стол тенниси, минн футбол	08:00 - 17:00
10	206-умумтаълим мактаби	Бинокор маҳалласи	Уйсолар 3-тур кўчаси, 8-й	290-50-61	Волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, минн футбол	08:00 - 17:00
11	212-умумтаълим мактаби	Урта маскид маҳалласи	Уйсолар 3-тур кўчаси, 1-й	298-64-38	Баскетбол, волейбол, каратэ	08:00 - 17:00
12	215-умумтаълим мактаби	Қўйиш маҳалласи	Табасму кўчаси, 41-й	290-25-53	Волейбол, баскетбол, стол тенниси, футбол, минн футбол	08:00 - 17:00
13	227-умумтаълим мактаби	Донишманд маҳалласи	Хуснобод кўчаси, 39-й	298-09-96	Баскетбол, енгил атлетика, волейбол, кўл тури, гимнастика	08:00 - 17:00
14	Суний қопламали футбол майдони	Ҳама маҳалласи	Кораву кўчаси, 31-й	296-57-92	Футбол	09:00 - 21:00
15	Суний қопламали футбол майдони	Урта маскид маҳалласи	Қурунгар дахаси, 31-й янги анди	349-94-75	Футбол	09:00 - 21:00
16	Суний қопламали футбол майдони	Чулпон маҳалласи	Таравурий 2-тур кўчаси	174-94-26	Футбол	09:00 - 21:00
17	Суний қопламали футбол майдони	Машинасолар маҳалласи	Мирзо Улугбек кўчаси, 1-й анди	289-77-24 289-53-29	Футбол	09:00 - 21:00



Фестиваллар

ОИЛАВИЙ СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Тошкентдаги Турин политехника университети спорт мажмуасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида аёллар спорт фестивалининг шаҳар босқичи ташкил этилди.

Фестиваль «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда соғлом турмуш тарзини хотин-қизлар онгига сингдириш ва ҳаётга татбиқ этиш, уларни спортга жалб қилиш, маҳаллалар, оилаларда спортнинг оммавийлигини

ошириш, оилавий спортни ривожлантириш мақсадида ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида юртимизда аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни спортга кенг жалб этиш,

айниқса, ўсмир қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур имконият ва шароитларни яратишга доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Мазкур мусобақа ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб, жорий йилда ҳам туман босқичларида ғолиб бўлган 25 ёшдан юқори уй бекаларидан иборат туман жамоалари спортнинг волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш, гимнастика турлари бўйича ўзаро беллашди.

Тадбир сўнггида спорт турлари бўйича жамоавий ва шахсий ғолиблар аниқланиб, уларга дипломлар ҳамда ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Зафар НАЗАРОВ

Ислом Исмоилов олган суратлар

«Камолот» лойиҳалари

ЭНГ ДОЛЗАРБ МУАММО

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамкорлик дастури асосида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Ёшлар орасида ОИВ, ОИТС, гиёҳвандлик ва ЖЙОЮ касалликларининг олдини олиш» лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Лойиҳанинг асосий мақсади — Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш, ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш, улар орасида ОИВ, ОИТС касаллиги, гиёҳванд моддалар истеъмол қилишнинг олдини олишга қаратилган давлат дастурини қўллаб-қувватлаш, ёш авлод соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот ишларини амалга оширишдир.

Мазкур лойиҳа доирасида нафақат Тошкент шаҳри лойиҳа мураббийлари, балки барча ҳудудларда ҳам вилоят мураббийлари томонидан ёшларимизга тенгдош-тенгдошга таъминоти орқали минисессиялар ташкил этилмоқда.

Ҳеч қайси бир касаллик ёки иллатлар макон, жинс, ёш танламайди. Юқорида таъкидланганидек, тенгдош-тенгдошга таъминоти орқали академик лицейлардан тортиб, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ва шу жумладан маҳалла

ёшларига минисессиялар ўтказилмоқда. Нима учун айнан ёшларга бу каби минисессиялар ўтказиб келинади? Бунинг жавоби битта — у ҳам бўлса аҳолиимизнинг кўп қисмини ёшлар ташкил этади. Биз ёшлар тенгдошларимизга тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри амалга ошириб, соғлом турмуш тарзини таъминлаш, улар орасида келажакни ўз қўли билан яратати.

Асосийси, биз ёшлар келажакда комил инсон бўлиб етишсак, юртимиз ҳар томонлама ривожланади, ўсади, дунё мамлакатлари орасида бундан ҳам муносиб ўрин эгаллайди. Бирлашсак бу касалликларини енгиб ўтаман, бунинг учун энг аввало ёшларда куч, ғайрат, шижоат бўлса бар.

Хайриниса МАХМУДЖОНОВА,
«Ёшлар орасида ОИВ, ОИТС, гиёҳвандлик ва ЖЙОЮ касалликларининг олдини олиш» лойиҳаси Тошкент шаҳар мураббийи

Тошкент Кимё технологиялари институтининг биринчи босқич талабаларидан таркиб топган «Кимёгар» театр студиясининг ёш актёрлари ижросида «Тортадурман жабрини» асари асосида сахналаштирилган спектакль санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди.

Санъат

ТАЛАБАЛАР ИЖРОСИДАГИ СПЕКТАКЛЬ

Таникли драматурглар Тилаб Маҳмудов ва Дилбар Маҳмудова томонидан яратилган ушбу асарни Ўзбек Давлат Миллий академик драма театрининг актёри Саидкомил Умаров сахналаштирди. Ёшларнинг маънан етук, баркамол шахс бўлиб вояга етишларини тарғиб қилувчи ушбу спектаклда

салбий иллатлар — гиёҳвандлик, кашандалик, ичкиликбозлик туфайли содир бўлиши мумкин бўлган ноҳус воқеалар акс эттирилган. Қувонарлиси, ушбу спектаклни ёш ҳаваскор актёрлар маҳорат билан ижро этишга интилгани яққол намоян бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

Ёз — ўтмоқда соз

ОРОМГОҲДА ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР

Бектемир туманидаги 25-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Ёз» «Камалот» билан! лойиҳаси доирасида Бектемир туман ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши, маданият ва спорт ишлари туман бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида спортнинг бадминтон тури бўйича мусобақа ўтказилди.

Мамлакатимизда спортни янада оммавийлаштириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний камол топтириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида «Камолот» ЁИХ томонидан турли хил спорт мусобақалари, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

топтириш мақсадида ўтказилган мусобақада тумандаги 289-, 291-умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган оромгоҳ тарбияланувчилари қатнашди.

Қизгин баҳслар остида кечган мусобақа натижа-

ларига кўра 291-умумтаълим мактаби қошидаги оромгоҳ болалари фахрли биринчи ўринни қўлга киритишди. Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Тили, миллати, дини ва урф одатидан қатъи назар ер юзидаги халқларнинг барчасини бирлаштирадиган, авваламбор ёш авлоднинг онги ва қалбида чуқур акс-садо берадиган ғоя таъсирчан бир восита, қудратли куч борки, у ҳам бўлса, мусиқа, унинг оҳанг ва тароналари, мумтоз куй ва қўшиқлар, десак, муболага бўлмайди.

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Айниқса мумтоз куй ва қўшиқлар келажакда порлоқ ёшларимизнинг маънавиятини юксалтиришда, маданий тушунчасини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Барҳаёт сиймолар» туркуми доирасидаги Ўзбекистон халқ ҳофизси Орифхон Хотамов ҳаёти ва ижодига бағишланган «Беназир устоз ёди» мавзусидаги наватбадаги маънавий-маданий тадбирда мусиқашунос олимлар, соҳа мутахассислари, ҳофизнинг фарзандлари ва шогирдлари иштирок этди.

— Ушбу тадбирнинг ўтказилишидан кўзланган асосий мақсад, — дейди Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи бадий раҳбари Санжархон Раҳимбойев, — халқимизнинг номоддий маданий меросларидан бўлган мақом санъатини ёшлар онгига сингдириш ва ушбу йўналишда кўп йиллар давомида ижодий фаолият юритган устоз санъаткорларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумотлар бериш ҳамда мазкур қўшиқ санъати турини омма орасида кенг тарғиб қилишдан иборатдир. Зеро, халқимизнинг ижодий бойлиги ҳисобланмиш мақом санъати

асрлар давомида инсонлар тафаккурига оҳанрабо куй ва қўшиқларни сингдириб келмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон халқ ҳофизлари Ҳасан Ражабий, Маҳмуджон Тожибоев, Бекназар Дўстмуродов, Маҳмуджон Йўлдошев, Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Насиба Сатторова, Абдулла Шоматрупов, меҳнат фахрийси, устоз санъаткор Сайдазим Қудратуллоев, хонанданинг фарзандлари Исмоилхон ва Маҳаммадхон Хотамовлар иштирок этиб, устоз ҳақидаги ёрқин хотиралари ҳамда ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан адабий кечанинг мазмунли чиқишига ҳисса қўшдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

МЕРГАНЛАР БАҲСИ

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Чилонзор ўқув спорт-техника клуби унитар корхонаси машғулоти базасида ўқотиш спорт тури бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги бўлиб ўтди.

Унда жами 12 та жамоа ғолиблик учун қизгин баҳс олиб борди. Ёш мерганлар катта милтиқ ва пневматик милтиқдан ВП-1 ва ВП-2 машқлари бўйича нишонга ўқ отиб, ўз маҳоратларини синаб кўришди. Қизгин ва муросасиз кечган баҳсларда Чилонзор ўқув СТК вакиллари энг кўп очко тўплаб, биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўрин Учтепа ўқув СТК, учинчи ўрин Тошкент шаҳар техник ва амалий спорт турлари маркази жамоаларига насиб этди.

СПОРТ ТЎГАРАКЛАРИ ГАВЖУМ

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, техник ва амалий спорт турларига кенг жалб этиш, уларнинг бўш вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказиш Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти корхона ва муассасалари фаолиятининг муҳим таркибий қисмидир.

Ташкилотнинг Тошкент шаҳар Кенгаши таъсирдоғида Сергели ўқув спорт техника клуби ҳам бу ишга муносиб ҳисса қўшиб келаяпти. Клубда учта: авиамодель, триатлон ва ўқотиш спорт секциялари ишлаб турибди. Уларда 72 нафар спортчи ва 158 нафар қатнашувчи, жами 230 нафар ўғил-қиз сеvimли машғулоти билан шуғулланмоқда.

Ушбу спорт турлари бўйича клуб ва туман мусобақалари белгиланган режа асосида доимий равишда ўтказиб турилади. Жорий йилда ҳам клуб бўйича 50 дан ортиқ, туман миқёсида эса 15 га яқин спорт беллашувлари ташкил этиш кўзда тутилган. Натижада турта ёш тоифасидаги кўплаб оммавий спортчилар тайёрланапти. Бундан ташқари клуб жамоаси ҳар йили шаҳар ва республика биринчиликларида, турли халқаро мусобақаларда фаол иштирок этиб, қувончли натижаларни қўлга киритмоқда.

— Авиамодель бўйича В.Гаврилов, триатлон бўйича А.Литвинов, ўқотиш бўйича С.Маҳкам мураббийлик қилади. Кўп йиллик бой тажрибага эга бу мутахассислар секцияларнинг машғулотларини аниқ режа асосида мазмунли олиб боришарди, — дейди Сергели ўқув СТК унитар корхонасининг маънавият, ташкилий-оммавий ишлар ва ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Баҳодир Ёриев. — Мусобақалар белгиланган тақвимга асосан ўтказилмоқда. Ёзги таътил бўлгани учун шу кунларда спорт секцияларимиз ўсмир-ёшлар билан жуда гавжум. Мақсадимиз уларнинг техник ва амалий спорт турларига бўлган қизиқиш ва маҳоратларини ошириш, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлиб улғайишларига ўз улushiimini қўшишдир.

Элёрбек ИСМОИЛОВ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Тошкент шаҳрида 3 июль кун ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 32-

34 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 3 ва 4 июль эрталаб Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади. Ифлосланиш таъмиқдори паст бўлади.

Тошкент Оқшом

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6568 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.10